



audit alfa

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

ANDIJON SHAHAR

“Audit-ALFA” MCHJ

auditorlik tashkiloti

Andijon sh A.Navoiy shox ko'chasi 35-uy

INN-306986446 x/r 20 208 000 905 157 221 001

AT Invest Finans Bank Andijon Viloyat filiali MFO-01114

№ 16

«05» апрель 2021 йил

**«SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 01 январдан 2020 йилнинг 31 декабрга қадар бўлган давридаги молиявий-хужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига қура ижобий билан фикр билдирилган
АУДИТОР ХУЛОСА СИ**

Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Андижон шаҳар Давлат хизматлари марказида 2020 йилнинг 20 августда 795679-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти юритиш ҳуқуқини берувчи 2020 йил 22 январдаги 00839-сонли лицензияга эга бўлган МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик ташкилоти «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамияти билан 2021 йил 05 апрелда тузилган 16-сонли шартномага асосан 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабрга қадар бўлган даврлар молиявий фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудитор Н. Курбонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификати № 05598) томонидан «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги ҳисоботларининг ишончлилиги мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан утказилди.

Текширув Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги молиявий қонунлари, аудитнинг миллий андозалари, Солик Кодекси ва шу йўналишларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

Текширув учун тақдим қилинган ҳисоботларни тайёрлаш ва уларнинг тугрилиги ҳамда ҳисобот даврида амалга оширилган ҳужалик муомалаларининг қонунийлиги буйича масъулият ҳужалик юритувчи субъект раҳбарияти зиммасига юқлатилган. Аудиторлик ташкилоти эса молиявий ҳисобот буйича билдирган ҳулосаси учун масъулдир.

Аудиторлик текшируви аудитнинг ҳаракатдаги 70-сонли миллий стандартга мувофиқ утказилди. Ушбу стандартлар бизга миқдор корхона ахборотларининг фойдаланувчиларини молиявий ҳисоботда моддий аҳамиятга эга бўлган ҳатоликлар йўқлиги тугрисида етарли даражадаги ишонч билан таъминлаш мажбуриятини юқлайди. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботда акс эттирилган ва бошқа молиявий ахборотларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солувчи қонунчиликка мос қилишларини баҳолашни талаб қилади.

Биз, утказилган аудиторлик текширувида қуриб чиқилган молиявий ҳисобот буйича ўз фикримизни билдириш учун етарли тарзда асос беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳужалик фаолияти натижалари тугрисида ҳаққоний ахборот беради ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос қелади.



МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик
ташкilotининг директори, аудитор:

Н. Курбонова